



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 3 сентябрь, №183 (3295)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фидокорона хизматлари учун» орденни таъсис этилиши.
2. «Фидокорона хизматлари учун» орденни тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Фидокорона хизматлари учун» орденнинг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда) 11-моддаси «Эл-юрт хурмати» орденни деган сўзлардан кейин «Фидокорона хизматлари учун» орденни деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 29 август.

Илова

«Фидокорона хизматлари учун» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Фидокорона хизматлари учун» орденни билан мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига, муҳофаза қудратини кучайтириш ва миллий хавфсизлигини таъминлашга, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустақамлашга, халқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди, билими ва тажрибасини Ватанимиз равнақига баши этиб, фидойиллик намунасини кўрсатиб келган фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар мукофотланади.
2. «Фидокорона хизматлари учун» орденни билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг назарда тутилган тартибда амалда оширилади.
3. «Фидокорона хизматлари учун» орденни билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ беш кар-

раси миқдоридан бириёула тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. «Фидокорона хизматлари учун» орденни кўракиннинг чап томонига тақилади.

5. «Фидокорона хизматлари учун» орденни билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бириёула тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

Илова

«Фидокорона хизматлари учун» орденининг ТАВСИФИ

«Фидокорона хизматлари учун» орденни 1 микро қалинликдаги олтин қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади ҳамда саккиз қиррали ёқут рангли юлдуз шаклида бўлади. Юлдуз бурчаклари орасида оқ эмаль қопламаи узра таралаётган нурлар акс этган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиғи — 52 миллиметр.

Орденнинг марказидаги доирада тилла рангдаги Хумо қуши тасвирланган. Унинг ортида — марказдан юқоридаги мовий манзара бағрида Ўзбекистон Республикасининг олтинранг



харитаси жойлашган.
Тасвир атрофидаги оқ

эмалли ҳошия узра олтин рангдаги ҳарфлар билан «FIDOKORONA XIZMATLARI UCHUN» сўзлари ёзилган.

Орденнинг қуйи қисмида оқ рангли пахта чаноқлари ва тилла рангли бугўли бошоқлари тасвирланган.

Орда томонининг пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифти билан ёзилган.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидagi шойи лента сирилган қаддагича халқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Мухитдин Яхъёевич
Бобоев

Лола Солиевна Муратова,
2. Т.У. Анисей берган ари-
засига биноан Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 август.

Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан овоз этилсин.

Э. ХАЛИЛОВ

Пойтахтимизда

КОММУНИКАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Нодирбек
ЎЛЖАБОВ).

2 сентябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислам Республикаси жамоат ишлари вазири Абдулла Али «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур компания раиси Рустам Юнусов билан учрашди.

Музокарада ҳамкорликда бунёд этилаётган Термиз — Мозори Шариф — Шибиргон — Майма — Ҳирот автомобиль йўли қурилишини жалдлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Қурилиши шу йил бошида бошланган мазкур йўналишда ҳозирга қадар саккизта кўприк қуриб битказилди.

Учрашулда, шунингдек, ҳамкорликда Мозори Шариф шаҳри аэропортини қайта таъмирлашга оид масала ҳам муҳокама қилинди.



Жойлардан хабарлар

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди

«Омал» акциядорлик жамияти қоншида барпо этилган «Жондормаҳсулот» корхонаси акцияларининг 75 фоизини Россиянинг «Петросоюз» молия-саноат тўғрисидаги олгадан кейин кетчун ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпайди.

Айни кунда корхонада иш янги еменда ташкил этилган бўлиб, ишчилар сони яна 200 нафарга ортди. Қўшма корхона келгусида ишлаб чиқаришини янада кенгайтиришни кўзламоқда.

«Туркистон-пресс».

Кузги кийимлар Кўرғазмаси

Жиззах шаҳри марказида ўн кун мобайнида намойиш этилган Республика кўрғазмаси чакана савдо ярмаркасида кузги-кишми мавсумга мўлжалланган жуда кўп турдаги сифатан саноат маҳсулоти намойиш этилди. Бу эса жаззахлик маҳаллий саноатчилар ҳамда енгил саноатчиларнинг мамла-

катимизнинг турли бурчакларидан келган ҳамкасарлари билан ўзаро тажриба алмашишлари учун кенг имконият яратди.

Биргина «Ўзбекенилсаноат» уюшмасининг 20 корхонаси 303 хил маҳсулот намойиш этган бўлса, «Ўзбекларийобазали» жамоалари кўрғазмага салкам 11 миллион сўмлик харидорлар моллар келтиришди. Мухим, кўрғазма давомида қишлоқ аҳолисининг кузги-кишми мавсумий маҳсулотларга талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш йўлга қўйилди.

Воҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик дарслари

Кўшкўпир туманидаги Ших Маъхал қишлоғида янвоччи ўқувчилар 4 километр йўл босиб кўшни қишлоқдаги мактабга қатнамайдиган бўлиши. Мазкур қишлоқда 320 ўрилли мактаб биноси янги турширилган, бундай овозгарчиликларга барҳам берилди. Куни кеча маъхалликлар Мустақиллик дарсини ўз мактабларида тингладилар.

О. РАХИМОВ.



Ўқув йили бошланди!

Кеча мамлакатимиз Олий ва ўрта махсул билим юрталари ва мактабларида 2003-2004 ўқув йили бошланди. Ташкилаш жоси-ки, республикамиздаги барча илм масканлари сифатли таъ-

мирдан чиқарилади. Шаҳар ва қишлоқларимизда эса янги ўқув иншоотлари кад ростлаб, улар замонавий компьютер, ортехника, ўқув ва ёзув жиҳозлари билан таъминланди.

Тошкент тумани, Й. Охун-бобоев ширкат хўжалигидаги 9-умумий таълим мактабиди ҳам 26 та янги синф хонаси ўқувчиларни ўз бағрига олди.



СУРАТЛАРДА: ушбу мактабда биринчи синф ўқувчиларининг илк машғулот; янги ўқув йилининг очилишига бағишланган даъва.

Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ҳ.С.Караматовни Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқуллод ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ҳамидулла Сағуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқуллод ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 сентябрь.

Санъат асарлари Намойиши

Ўзбекистон Бадий академиясининг замонавий санъат марказида «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзусида республика бадий кўрғазма-тайлови очилди.

Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳамда «Обод маҳалла йили»га бағишланган ушбу кўрғазма 500га яқин ранг-тасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда.

Этиборли томони шундаки, мазкур кўрғазмага республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона водийси вилоятлари, Хоразм ва Қорақалпоғистонда ижод қилаётган рассомларнинг асарлари кўйилган.

М. ТОЖИЕВА.

ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири
Назозат УСМОНОВА).

Самарқанд шаҳрида куни кеча катта муваффақият билан аяқланган «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивалида Тува Республикасининг (Россия) «Уранхай» миллий ансамбли Гран-при — олди соврини-га лойиқ топилди. Шу муносабат билан Россия Халқаро илдий ва маданий ҳамкорлик марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бу йил тўртинчи марта ўтказилган ушбу фестиваль жаҳонда тобора шухрат қозониб бораёттир. Миллий мусиқа айналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга муҳаббат туйғулларини камол топтириш, чин инсоний қадриятларни тараннум этишда ушбу фестивалнинг аҳамияти улкан.

Мазкур мусиқа байрами халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустақамлаш, илдий ҳамкорлик, маънавий-мърифий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилипти.

Бу — ансамблимизнинг халқаро мусиқа анжуманларидаги илк муваффақияти, деди ансамбль ижрокисни Енгени Саринлар ЎзА мухбирига. — Санъат байрамида «Энасойим», «Эзир-Қара», «Эки аътар» каби миллий кўшиқларимизни ижро этидик. Миллий айналар ва замон руҳини ўзида мужассам этган «Шарқ тароналари» анжумани халқларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи улкан эзгулик минбарига айланиб бормоқда. Фестивалнинг юксак санъат, кўтаринки руҳда ўтгани бизда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи номидан ҳамда шахсан менинг гоят самимий ва қизғин қутловларимни қабул қилгайсиз.

Суверен Ўзбекистон бунёдга келган йиллар мобайнида халқаро миқёсда эътироф этилиши сари машаққатли йўлни босиб ўтди. Гузал мамлакатингизда мустақиллик йиллари ичида руй берган илдий ўзгаришларни, жаҳон ҳамжамияти томонидан унга нисбатан қизқиш тобора ортиб бораётганини чуқур мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Азиз Ислам Абдуғаниевич, ушбу тантанали фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин қалбдан бахт-саодат, мустақам соғлиқ ҳамда давлат фаолиятингизда янги-янги ютуқлар, серқуёш Ўзбекистонга эса тинчлик, барқарорлик ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Леонид КУЧМА,
Украина Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан гоят самимий ва чин юракдан йўлаётган қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Молдова билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари бундан буюк ҳам мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари ва фаровонлиги йўлида мустақамлашиб, илчил ривожланиб бораверди.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда барча орзу-ният ва интильшларингиз рўёбга чиқишини, Ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилашга илжозат бергайсиз.

Чуқур ҳурмат билан,

Владимир ВОРОНИН,
Молдова Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич! Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан сизқидилдан муборакбод этаман.

Утган йиллар мобайнида Ўзбекистон ўз олдида турган турли хил қийинчиликларни бартароф этиб, кенг миқёсда иқтисодий илҳозларни муваффақиятли равишда амалга ошириш ва халқаро майдонда ўз тасирини ўткази оладиган бўлиб қолди.

Бизнинг мустақил давлатларимиз чуқур тарихга илдий отган муносабатларини кенгайтириш учун янги имкониятларга эга бўлдилар. Ишончим комилки, биз халқларимизнинг хоҳиш-иродасини амалга ошира бориб, минтақада тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида дўстлик ва шериклик айналарини ривожлантиришга бундан буюк ҳам ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Сизга мустақам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Шонли байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан гоят самимий қутловларимни ҳамда камоли эҳтиромимиз ва доимий дўстлик туйғулари инхорини қабул қилгайсиз.

Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистон билан Грузия халқ хўжалиги, илм-фан ва маданиятнинг дерили барча соҳаларида икки томонлама асосда ҳам, шунингдек, кенг миқёсда халқаро лойиҳалар доирасида ҳам ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни муттасил чуқурлаштириб келмоқда. Халқларимизнинг мақсад ва интильшлари муштарак эканлиги Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун хайли замин яратди.

Пироварида Сизга ва барча ватандошларингизга бахт-саодат, муваффақиятлар ва барча энг эзу истакларни тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,
Грузия Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Республика кун муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Халқларимизнинг мақсад ва орзулари муштаракдир. Икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги самарали алоқалар бунинг далилидир.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган дўстона муносабатлар бундан буюк ҳам халқларимизнинг манфаатлари йўлида муттасил ривожланиб, мустақамлашиб бораверди.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб Сизга мустақам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОВЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номидан Сизни ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон халқини муборакбод этаман.

Утган давр мобайнида Ўзбекистон ўзининг ривожланиш моделини босқичма-босқич рўёбга чиқара бориб, жаҳон ҳамжамиятининг фаол ва ҳурмати аъзоси бўлиб қолди, мустақил давлатчиликни мустақамлашда ва илҳозимий-иқтисодий илҳозларини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришди.

Шуни мамнуният билан қайд этиб ўтишни истардимки, Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда шаклланган пойдевор икки мамлакат давлатлараро муносабатларининг турли соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш ва ривожлантириш имконини берадиган пухта асосдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари бундан буюк ҳам халқларимиз бахт-саодати йўлида мустақамлашиб бораверишига ишончим комил.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлиқ, муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Аскар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти.

Сессиядан кейинги уйлар

ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, мустакил мамлакатимиз тараққиёти, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий турмушида янги босқични бошлаб бермоқда. Шунинг билан бир гурӯҳ юртдошларимизнинг Олий Мажлис сессияси тўғрисида фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Каримбой ҚУРАМБОВ:
Ажнийез номидаги Нукус давлат педагогика институтининг профессори, филология фанлари доктори:

— Халқимизда «Кенгашли тўй тарқамас» деган ҳикматли ибора бор. Бош байрамимиз олдидан мамлакат парламенти тараққиётимизга дахлдор муҳим масалаларни кенгашиб олиши афсонага айланган. Мен ҳам олий фуқаро сифатида сессияда қўрилган масалаларни ҳаяжон билан тингладим.

«Бюджет» деган олий сўз аслида мамлакатнинг ўзига ҳос қон томири эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига оид ҳаражатларга кўпроқ маблағ ажратилганлиги нур устига нур бўлмоқда. Мендан «Мамлакатнинг яқин истиқболдаги юксалишини нималарда тасаввур қиласиз?» деб сўрасалар «Иқтисодиёт билан маънавиятнинг бир хил ривожланишида кўраман. Насиб этса, Ўзбекистон тез орада илғор мамлакатлар қаторига кўтарилди. Халқимиз маънавияти янада юксалиб, Навоий, Бердак, Махтумқули, Рудакий асарлари қўлма-қўл ўқиладиган кунларга етамиз», деб жавоб берган бўлар эдим.

Баҳодир ЯНГИБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси молия вазир:

— Бюджет — мамлакат иқтисодий ҳаётининг ўқ илдизи. Биринчи муҳим йўналишлар ундан манба олади. Мамлакатимиз бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг рағбат учун катта миқдордаги маблағлар ажратилмоқда. Буни бир неча йўналишларда очик-ойдин ҳис қилиш мумкин. Биргина касб-хунар коллежларини қуриш ва мавжудларидан талайгинасини қайта тазмирлаш учун жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси буйича 15,4 миллиард сўм ажратилди. Ижтимоий соҳалар, экологик вазиятни юмшатиш, бошқа мақсадлар борасида ҳам шундай. Қолаверса, бир неча йиллик кургоччиликдан азият чеккан қишлоқ хўжалигидаги қўшимча сарф-ҳаражатларни қоплаш учун Оролбўйи деҳқонларига 381 мил-

лион сўм сармоя берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, мамлакатимиз бюджетига жамият ва инсон манфаатлари уйғунлашиб бораётгани яққол сезилмоқда.

Абдулла АБДУҚОДИРОВ,
Фидокорлар Миллий демократик партияси Элдикқалъа туман кенгаши биринчи котиби:

— Туманимизда партияимизнинг уч юз нафардан ортиқ аъзоси бор. Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатасини шакллантиришга доир Қонунлар қабул қилина бошлаганидан буён партияимизга бўлган қизиқиш, унинг сафига киришига ҳоҳлаганлар сонини ортиб бормоқда. Демак, ўз фаолиятимизга танқидий нигоҳ ташлаган ҳолда партияимиз ишини янада яхшилашимиз лозим. Уйлайманки, Олий Мажлисининг XII сессияси эртанги кунимизга бўлган маънавиятимизни янада оширгани ҳолда истиқбол режаларини белгилаб берди.

Ўзбек НАСРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бериуний тумани кенгаши биринчи котиби:

— Олий Мажлис сессиясида икки палатали парламент барпо этиш билан боғлиқ бир қанча Қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Уларда сиёсий партияларга, уларнинг мақсади, сайлов тизимларининг оидлаштириб берилганлиги ҳаммаимизни қувонтирди. Халқ банди нарсанинг бош қақами. Қайси сиёсий партия халқнинг ичига чуқурроқ кириб борса, унинг диладаги бош мақсадларини англаб етса, бу орзуларни рўёбга чиқаришга чинакамгина интилади, улоқ ўша партияда кетади. Партияимизнинг туман кенгашида бўлгуси сайловларга оид қонун ҳужжатларини ўрганиш, партия аъзолари орасида тарғиб қилиш юзасидан ишчи гурӯҳ тўзилади. Биз ҳар бир маҳаллада, меҳнат жамоасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Ҳаммамизнинг пировард мақсадиимиз эса Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб яшнашини таъминлашдан иборат.

«Халқ сўзи» мухбири
Янгибой ҚУЧҚОРОВ эзиб олди.

Аграр тармоқ республикамиз иқтисодиётининг таянч соҳасидир. Зеро — қишлоқда жами аҳолининг 63 фоизи истиқомат қилиб, мамлакат ялпи маҳсулотининг 30 фоизи, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи, товар алмашинувининг 70 фоизи, валюта тушумининг 55 фоизи мазкур соҳа улушига тўғри келади. Мамлакатимиз дунёда пахта хомашёси ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринни, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи, қорақўл тери, пилла ва мева тайёрлаш бўйича етакчи ўринларини эгаллайди. Шу боис тармоқни ривожлантириш, соҳада янги йиқилган ишловларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги пайтда қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига мос ишлаб чиқариш шакллари жорий этиш, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларда янги технологияларни амалиётга татбиқ қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ислохотларнинг институционал асослари яратилди. Қишлоқ хўжалиги объектилари давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳуқуқий ҳолати яхшилашга ҳаракат қилинмоқда. Қўн уқладли иқтисодиёт шакллантирилди, қишлоқда мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фаолияти эркинлаштирилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фермер хўжалиқларига айлантириш тизими ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда фермер хўжалиқлари сонини салкам 80 мингга, ушбу йўналишга ажратилган ер майдонини эса 1 миллион 832 минг гектарга етди. Бу кўрсаткич умумий суғориладиган майдоннинг 40 фоиздан ортиқроғини ташкил қилади. Таҳлиллар шунини кўрсатдики, молиявий аҳоли оғир хўжаликлар фермерларга айлантирилган, уларда ривожланиш кўзга ташланди,

моддий ресурслар тежалди, молиявий аҳвол яхшиланди. Бойси мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топган эди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Утган йили 83 та хўжалик тугатилиб, фермерларга берилган эди. Улар 2001 йилда ҳар гектар галла майдонига 186,5 кг ёнил-

товар ишлаб чиқарувчилари орасида мулкчиликнинг энг тақомиллашган шаклидир. У мамлакатимизда ўзининг рақобатбардор хўжалик субъекти эканлигини исботлади. Фермерлар эришган

йўналишлари тўғрисида»ги Фармони фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқларини ошириш, хўжалик юретиш субъектлар ўртасидаги манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, иқтисодий эркинлик бериш борасида айни муддао бўлди. Унда фермер хўжалиқларининг

фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Масалан, Нидерландияда бу кўрсаткич бор-йўғи 4,5 фоизни ташкил этади. Шу ишни кучи билан нафақат мамлакат аҳолисининг эҳтиёжи қондирилади, балки хориқга ҳам маҳсулот экспорт қилинади.

Бизда ҳам ишни жаҳон андозалари даражасида ташкил қилиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Соҳага замонавий техника ва технологияларни киритиш орқали сервис қизмати кўрсатувчи, маҳсулотни қайта ишловчи ҳамда бошқа кўплаб инфратузилмаларни олиб кириш керак. Шунда кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Меҳнат ресурсларининг бир қисми шу каби кичик ва ўрта бизнесга йўналтирилади. Албатта, уни амалга ошириш маълум вақт талаб этади. Лекин, асосийси бунинг учун бизда барча шарт-шароит етарли. Тўғри, ҳозир бу борада секенлик билан бўлса, ишлар амалга ошириляпти.

Аграр соҳанинг истиқболини белгилайдиган хўжалик юретишининг бу усулини янада тараққий эттирадиган баъзи фикрларни айтиб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз. Меъёрий ҳужжатларда аниқ белгилаб берилганга қарамай, жойларда ҳалигача фермер хўжалиқлари учун 1-2 гектардан ер ажратини ҳолатлари мавжуд. Бундай аҳволда фермер ўз харажатларини қоплаши мумкин эмас. Пахта ва галла етиштирувчилар учун бу кўрсаткич 40 гектардан кам бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, хизмат кўрсатишнинг турларини тақомиллаштириш зарур. Фермерлар учун жойларда техника, эҳтиёт қисм ва минерал ўғитларнинг савдосини ташкил этиш пайти келди. Зотан, ҳозирги бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шу.

Соҳибжон АКРАМОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот қизмати бошлиғи.

Фермерликка ўтиш: ТАЖРИБА ВА САБОҚЛАР

ғи-мойлаш маҳсулотлари сарфлаган бўлсалар, бултур, яъни мулкчилик шакли ўзгарган бу кўрсаткич 153,7 кг бўлди. Шунингдек, ҳар гектар пахта майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари миқдори 19,3 кг.га, ўғит 96,8 кг.га камайди. Моддий ресурсларнинг тежаллиши ҳосилдорликнинг пасайишига эмас, аксинча, ортишига олиб келди. Хўжаликлар 2001 йил якуни бўйича галладан 24,6 миллиард пахтадан 12,2 миллиард сўм зарар кўрган эдилар. Фермер хўжалиқига айлантирилган, йилни соф фойда билан ақунлашга эришилди. Шунингдек, ҳосилдорлик ҳам кескин ошганини кузатилади. Жумладан, Ёзёвон тумани хўжалиқлари иш юретишининг ширкат шаклида бошқоқли дондан ўртача 32,3 центнер ҳосил олган бўлса, фермерлик даврида бу кўрсаткич 42,4 центнерга етди.

Хориждаги ривожланган давлатлар ва республикамиз фермерлик ҳаракатини тараққий эттириш борасидаги тажрибалар шунини кўрсатдики, фермер хўжалиги бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик

ютуқларнинг асосий омили моддий манфаатдорликдир. Ҳозир бизда фермер хўжалиқларининг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар мундоқ. Уларга жойларда минибанклар, ёнилғи қуйиш ва минерал ўғит сотиш шохобчалари, муқоабил МТПлар, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хизмат кўрсатмоқда. Лизинг асосида техника сотиб олиш имкониятлари мавжуд. Фермерларни илғор технология ва замонавий билморлар билан таништириш мақсадида Ўртабоси-миз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунида бағишланган йилгилида уларни хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш учун юбориш тақдирини билдирган ва вазифа Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига юклатилган эди. Фермерлардан бул гурӯҳи Туркия ва Хиндистонга бориб келиши. Яқинда уларнинг яна бир гурӯҳини Польша, Германия ва Латвия каби давлатларга жўнатиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим

манфаатларини ифода этувчи қатор бандлар ўрин олган.

Бу йил ҳукуватимиз қарори билан 177 та зарар билан ишлаётган паст рентабелли ширкат хўжалиқлари тугатилиб, улар негизда 11 мингга яқин фермер хўжалиқлари ташкил топди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилди: ширкатлар тугатилиб, фермер хўжалиқларига айланиб кетса, тарқатилган ширкат аъзоларининг тақдирини нима бўлади, уларни иш билан таъминлаш масаласи қандай кечадиган бўлса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида аҳолининг катта қисми банд. Рақамларга эътибор берайлик. Ҳозир 80 мингга яқин фермер хўжалигида 512 минг, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги 1700 та ширкат хўжалигида 1,3 миллионга яқин киши меҳнат қилади. Айни пайтда ҳар бир фермер хўжалиги ўртача 23 гектардан ерга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирида 6,4 киши меҳнат қилади. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ривожланган мамлакатларда умумий аҳоли иш билан банд қисмининг кўпи билан 10



Саодатга элтувчи йўллар

Йўллар... Эллар билан элларни, диллар билан дилларни бир-бири билан туташтирувчи йўллар... Халқимизда йўл қурган одамларга алоҳида ҳурмат билан қараш одати бор. Буни ҳамма ўзича таъкин қилади. Боболаримиз бунини оддийгина қилиб «саовоб иш», дейишади.

— Балки, — дейди камтарлик билан «Қашқадарё аётойў» бирлашмаси ишчиси Холмўмин Чоршанбиев (суратда). — Йўл қуриш, уни таъмирлаш, бизнинг қудалик ишимиз. Биз одамлар оғирини енгил қилаётганимиздан ҳурсандимиз.

Дарҳақиқат, ушбу бирлашма жорий йилнинг ўзида режадаги 383 ўрнига 438 километр йўл қопламасини сифатли таъмирдан чиқарди. Янги йўллар, кўпрıklar қурилди. Туманлар марказлари ва Қарши шаҳрида ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

ТАДБИРКОР АЁЛАР ҲУҚУВИ

НУКУС. (Ушбу мухбири Амийбой ТИҚИБОВ).

Оролбўйида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳаси амалга оширилди бошланди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш юзасидан икки кунлик семинар машғулотларга ўтказилди. Унга Нукус шаҳри, Хўжайли ва Нукус туманларидан йигирма нафар тадбиркор аёл тақлиф этилди. Ишбилармонлиқни ривожлантириш, ҳуқуқий саводхонликни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар билан ишлаш, тадбиркорлик фаолиятига оид муаммоларни ҳал этишга оид маърузалар тинланди.

Наманган шаҳридаги умумтаълим мактабларида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан 260 минг АҚШ доллари миқдоридagi грантлар топширилди.

Мактабларга Япония грантлари

Унда элчихонанинг иккинчи котиби Томоюки Хаяси ва мутаассиди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Меҳмонлар мазкур грантларни олган Наманган шаҳридаги 20, 60, 10-умумтаълим мактаблари ва Чортоқ туманидаги мактаб-интернатда бўлиб, ташкил этилган компьютер синфлари, тикувчилик ва дурадорлик устaxonларини, ўқув хоналари, мажлислар ўқув, охинона, спорт майдончаларини қўздан келтирилди.

«Туркистон-пресс».

Насали кўйлар кимовиди савдосида

Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида қорақўлчилик муаммоларига бағишланган республика анжумани бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги насалилик хўжалиқларининг селекционер мутахассислари иштирок эттиди.

Анжуманда насали қорақўл кўйлар кўргазмаси намойиш этилди, уларнинг кимовиди савдоси ўтказилди. Қорақўлчилик соҳасида юқори самарга эришган Қонимех туманидаги Абай номи, Муборак туманидаги «Муборак» насалилик хўжалиқларига биттадан енгил автомашини мукофотга берилди. Илғор чўпонлар, қорақўлшунослар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Истиқлол йилларида босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, мамлакатимизда барча жабҳалар каби таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш, ўқитиш жараёнини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилганлигининг ғувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги Рисбой ЖУРАЕВ билан ЎЗА мухбирининг суҳбати ушбу соҳада юз берган муҳим ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида:

— Тараққиётимиз таянчи бўла оладиган, юксак савияли мутахассисларни тарбиялаб, вояга етказиш мақсади халқимиз, жамиятимиз зиммасига қандай масъулият юклайди? «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миқдори дастурининг иккинчи босқич вазифаларини амалиётга татбиқ этишдаги янгиликлар нималарда қўрилди?

— Аввало, шунини таъкидлаш керакки, илғор фикр, ғой ва тушунчаларини теран идрок этмай туриб, тараққиётини ҳам, истиқболини ҳам тасаввур этиш қийин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг илк босқичида таълим тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, молиявий шарт-шароит яратилди. Амалга оширилган ишларни янада тақомиллаштириш, асосан, таълим сифатини таъминлашга қаратилган иккинчи босқичнинг дастлабки йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техник имкониятларини ошириш, замонавий бинолару ўқув-техник жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Биргина 2001-2002 ўқув йилида мамлакатимизда 44

минг 975 ўринга мўлжалланган янги мактаблар фойдаланишга топширилди.

Утган 2002 йилда умумий ўрта таълим мактаблари биноларини капитал таъмирлаш учун ҳукумат томонидан 5033,5 миллион сўм ажратилди. Шу йилнинг январь-феврал ойларида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълим бошқармалари томонидан жойлардаги молия бошқармалари ва бўлимлари билан биргаликда капитал таъмирланиши ниҳоятда зарур бўлган мактаблар аниқланди, рўйхат тўқимиларининг қарорлари билан тасдиқланди. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича капитал таъмирланиши режалаштирилган таълим муассасаларида иш жадал давом этмоқда.

— Маълумки, мактабгача таълим улдуксиз таълим тизимидаги бошланғич даяр ҳисобланиб, кейинги босқичлар учун замин яратилади. Шу маънода, мактабгача билади бошланғич мақсадли равишда таълим олиш жараёнига тайёрлаш қандай кечмоқда? — Шу яқин ўн йилликкада боғчаларга ақсариятимиз болаларини «овутиб» турганидан бир маскан сифатида қарар эдик. Миллий дастур

қабул қилиниши муносабати билан унга мактабгача таълим мақоми берилди. Бу дегани — у ерда нафақат болаларнинг тарбияси, балки саломатлиги, жамият ҳаётига мослашиши учун зарур бўлган илк кўнималарни ҳосил қилиш ва, энг асосийси, мактабга тайёрлаш борасида фаолият юритилади.

Жорий йилда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари утган йилга нисбатан 34 тага кўпайиб, 6 минг 899 га етди. Уларда 631 минг 146 нафар бола мактабга тайёрланди. Бу вазифани 153 мактаб-боғча мажмуи, 57 маҳсус, 186 санаторий тилидаги мактабгача таълим муассасаси ҳам адо этиб келмоқда.

2003-2004 ўқув йилида 612 минг 36 нафар бола 1-синфга қабул қилинади. Шулардан 521 минг 230 нафар мавжуд ноанъанавий, яъни бола-лар боғчасидан ташқари таълим муассасаларига қатнаган. Бу 85,1 фоиз бола мактаб таълимига ҳар томонлама тайёр ҳолда келади, дегани.

— Умумтаълим мактабларини замонавий ўқув-техник жиҳозлар билан таъминлаш қандай амалга оширилётгани ҳусусида ҳам гапириб берсангиз. — Албатта, бугун таълим тизими олдига қўйилаётган талаблар ўқув жараёнига янги технологияларни жорий этишни тақозо қилади. Вазирлигимиз бу борада зарур шарт-шароитни яратиш ва шунга яраша таълим сифатини юксалтиришга, компьютер синфларини кўпайтиришга интиломоқда.

Шунинг билан биргаликда, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан амалга оширилди бошланғич «Ўзбекистон мактабларига компьютер техникаси» лойиҳаси доира-

сида АЙРЕКС — Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айриб-бўриш кенгаши томонидан умумий ўрта таълим муассасаларига 102 компьютер синф комплекти ажратилди.

Шуниси қувончлики, худди шу ташкилот томонидан «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури ҳам амалга оширилди бошланди. Бу эса ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, дарс жараёнида янги технологиялар билан ишлаш фаолигини юксалтиришга имкон қилади. Дастур Андижон, Фарғона, Қарши, Наманган, Нукус ва Термиз шаҳарларида Интернетта уланган олтинчи компьютер марказини қамраб олади.

Улар замонавий алоқа тизимини ташкил этиш мақсадида вилотий халқ таълим бошқармалари, педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг барчаси, шунингдек, 158 туман, шаҳар халқ таълим бўлими, 30 умумий ўрта таълим мактабига модел ўрнатилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда компьютер синфларига эга умумтаълим мактаблар миқдори 5 миңга етди.

— Замонавий дарсликлар авлодини яратиш, улар билан ўқувчиларни таъминлаш ишлари, ҳусусан, бу борадаги ишари тизими самаралорини ва истиқболлари ҳақида нималар деа олсангиз? — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичида умумий ўрта таълимга барча фанлар бўйича мазмун ва сифати юксак дарсликлар яратиш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилди бошланди. Икки босқичда утган ушбу тендерда нашриётлардан тушган тақлифлар ўрганиб чиқилди.

Улар томонидан тайёрланган ва юқори рейтингга эришган 28 номдаги дарслик 2-босқичга киритилиб, гоиллар аниқланди.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга кенг жамоатчиликни жалб этиш, унинг самарали йўналишга ишлаб топилгани талаб этмоқда. Шу мақсадда таълим ҳоимлари маблағларининг, бу ишга бош қўиштириш эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ташкил этилган дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими кўл келмоқда. 2002 йилда ушбу тизим орқали республикамиз бўйича 3,5 миллиард сўмлик 4,6 миллион нусха, 2003 йилда 2,7 миллиард сўмлик 3,5 миллион нусха дарслик тарқатилди. Кенг миқёсда олиб борилаётган ушбу тадбир мактаблар кутубхоналарининг дарсликлар фонди йилдан-йилга бойишига катта ҳисса қўшмоқда.

Хорижий давлатлар билан бу соҳадаги ҳамкорлигимиз, асосан, мактаблар моддий-техник базасини мустақкамлаш, замонавий ўқув воситалари таъминоти, малака ошириш ва ўқувчиларнинг таълим олиши доирасидаги ҳамкорликни қолмаёт. Мисол тариқасида айтсак, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) билан ҳамкорликда амалга оширилётган «Таълим тизимини тақомиллаштириш» (PEAKS) лойиҳаси ўқувчиларнинг малакасини ошириш, жамоатчилик ва ота-оналарнинг эътиборини таълим жараёнига қўллаб-қувватлашга янада кўпроқ жалб этиш билан биргаликда тақомиллаштиришга ҳам хизмат қилмоқда.

АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти инглиз тили ўқитувчиларини рағбатлантириш ва ўқувчиларнинг бу тилни чуқур ўзлаштиришларига қумаклашши борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Шу кунгача мазкур ташкилот ҳоимлигида мамлакатимизнинг 600 нафарга яқин мактаб ўқувчиси АҚШда таълим олиб қайтди. Жорий йилда ҳам 120 нафар иқтидорли йигит-қиз бир йил ўқини учун АҚШга боради.

— Болалар ўртасида спортни ривожлантириш, уни тарғиб ва ташвиқ этиш Юртбошимизнинг доимий эътиборида. Бу борада халқ таълим тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Президентимизнинг шу борадаги чқишлари ва қабул қилган мақсуе Фармони ишнингиди муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Жойлардаги таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб этиш бўйича тадбирлар сезиларли даражада жонланди. Ҳар бир жой алоҳида-алоҳида ўрганилди, имкониятлар аниқланди ва, асосийси, кўпгина янгиликлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Масалан, мактабларда янги спорт заллари қурилмоқда, борлар таъмирланди, зарур анжомлар билан жиҳозланмоқда.

Айни вақтда умумий ўрта мактаб ўқувчилари учун 2003-2004 ўқув йилида жисмоний тарбия ва болалар спортини оид ўқув дастури, дарслик ва қўлданмалар яратиш мақсадида Республика таълим марказида муаллифлик гуруҳи иш бошланди.

ЎЗА мухбири
Хулқар Содиқова
суҳбатлашди.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Реклама даромади харажатларни қоплайди

Душанба кuni Хитой ҳукумати расман 2008 йилда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинлари рекламасини бошлаб юборди.



Халқаро Олимпия қўмитаси вакилларининг сўзларига қараганда, Пекинда бўлиб ўтадиган ўйинлар аввалги барча олимпиадаларга қараганда кўпроқ даромад олиб келиши кутилмоқда.

Бўлажак Олимпия ўйинлари кўпгина Хитой компанияларига ўзини дунёга намойиш қилиши имконини беради.

Ташиқлотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, реклама шартномаларидан келадиган даромад Олимпиададан ўтказиш учун сарф қилинадиган 1,6 миллиард доллар маблағни бемалол қоплайди.

BBC

Қуллиққа қарши

Бразилия ҳукумати Баия плантациясида ишлаётган саккиз юзга яқин қуллиқ овоз қилганлиги ҳақида маълум қилди. Бу тўқсонинчи йиллардан бери мажбуран ишлаётган ишчиларни овоз қилиш бўйича ўтказилган энг муваффақиятли тадбирлардан биридир.

Маълумотларга қараганда, овоз қилинган саккиз юз нафар ишчининг тўқсонтаси оғир хасталикларга чалинган.

Бундан ташқари, яқин орадаги фермаларнинг бирида яна икки юзга яқин қуллиқ борлиги аниқланди.

Бразилиянинг Меҳнат вазири қошдаги қуллиқ муаммолари қўмитаси расмий вакилнинг сўзларига қараганда, уларнинг ҳаммаси одам яшashi мумкин бўлмаган шароитларда кун кўришмоқда.

Бразилияда камбағаллашиб қолган деҳқонларни ишга жалб қилиш, кейин эса уларни мамлакатнинг бошқа жойларига плантацияларда кул сифатида ишлатиш кенг тарқалган.

Reuters

Баренц денгизидаги ҳалокат

«Курск» атом сувоци кемасининг ҳалокатидан уч йил ўтган Баренц денгизида яна фожиа юз берди. К — 159 рақамли атом сувоци кемаси денгиз қаърига чуқиб кетди.

Россия Шимолий флоти жанговар таркибидан 1989 йили чиқарилган мазкур кема ўтган шанба кuni йўқ қилинган учун олиб кетилаётганида ҳалокатга учради. Россия ҳарбий қўмондонлиги бу воқеани Шимолий флотдаги юқори лавозимли ҳарбийларнинг меърий ҳужжатларни қўпол бўлиши бузганлиги сабабли юзга келган деб баҳоламоқда.

Мазкур туркумдаги субмариналар атом сувоци кемаларининг иккинчи авлоди бўлиб, улар 1955 йилдан бошлаб ишлаб чиқарила бошланган. К — 159 1963 йилнинг 6 июнида сувга туширилган ва ушунинг 4 ноябидан Шимолий флот таркибига киритилган. Кеманинг узунлиги 107,4 метр. У 300 метр чуқурликка туша олади. Экипажи 104 кишидан иборат. Субмарина 533 миллиметрли 8 та торпедоли ускуна ва 20 та торпедо олиб юра олади. Шунингдек, унинг 2 та сувли атом реактори ва ҳар бири 17,5 минг от кучига эга бўлган 2 та буғ турбинаси бор. Хизмат давомиди кема жами 392



кунлик 9 та сафарда бўлган. 1989 йилнинг 30 май кuni флот таркибидан чиқарилиб Россия шимолидаги Остроной оролига келтирилган. Шанба кuni эса уни бўлақларга бўлиш учун олиб кетишга эътидан.

Маълумотларга қараганда, кема техник носозлиги туфайли сув устида кам вақт мустақил ҳаракатлана олган. Шунинг учун унга тўртта махсус ясси кўприкчалар ясалган. Кўприкчалар махсус арқон ва бошқа маҳкамловчи ускуналар орқали кема корпусига боғланган. Кемани шатакка олиш учун эса махсус тортувчи кема ажратилган. Ундан ташқари, К — 159нинг бехос-

дан қирғоққа томон кетиши ёки саз ёймади ўтириб қолишининг олдини олиш учун яна битта кема қузатиб борган. Сувоци кема ичида ўша пайтда ўн киши бўлган, уларга иккинчи тонфали капитан Сергей Лаппа раҳбарлик қилган. Ушбу операцияни эса дивизион қўмондони Сергей Жемужнов бошқарган.

Йўлнинг кўп қисмини муваффақиятли ўтган кема Кильдин ороли яқинида уч балли штурмга дуч келди. Кема сувда қалқиб бошлаши қарамай ҳаракатини давом эттирди. Аммо кучли шамол ясси қайқичқалардан бирини узиб юборди ва кема мувозанатни йўқота бошлади.

Натижада К — 159 тезда 238 метр чуқурликка гарқ бўлади. Тахминан икки соатдан кейин тортувчи кемадагилар денгиздан уч кишини — учинчи тонфа капитани Юрий Жада, катта лейтенант Максим Цибульский ва старшина Евгений Смирновларни топишга муваффақ бўлишди. Улардан фақат Цибульскийгина тирик эди, қолган икки киши тананинг ўта музлаши туфайли ҳалок бўлишганди. Айни пайтда катта лейтенант Цибульский шифохонада даволанмоқда. Экипажнинг қолган аъзоларини қидириш ишлари давом этмоқда.

Россия мудофаа вазири Сергей Иванов ушбу ҳодиса Шимолий флот ҳарбий қўмондонлиги айби туфайли рўй берган, деб изоҳлади.

Ҳозир, айнан, маъсулиятсизлик ҳарбий қўмондонлик учун ҳам, қидирув гуруҳи учун ҳам фожиа рўй беришида ягона ва асосий сабаб сифатида эътироф этилмоқда.

Сунги хабарларга қўра, К — 159 кемаси денгиз тубидан 2004 йилда кўтариб олинади. ХДФ штаб бошлиги, адмирал Кравченконинг фикрича, кема тўлиқ ҳолда кўтарилади, чунки ундаги атом реактори ҳали ҳам хавфли бўлиши мумкин.

«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЕРОВ тайёрлади.

БМТ қўшинлари Конгода

БМТ қўшинлари Конго Демократик Республикаси шарқдаи бораётган галаёни бостириш учун жўнатилган бўлган Европа ҳамжамияти қўшинлари ўрнини эгаллайди.

Французлар бу ерга юз бериши эҳтимоли тобора кучайиб бораётган галаёни бостириш учун жўнатилган эди. Тинчликпарвар қўшар фаолияти давомиди Итури музофотининг маъмурий маркази бўлиши Буниша шаҳрида тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлди, бирок улар қишлоқ жойларда бирор тадбир ўтказиш ҳуқуқига эга эмасдилар.

БМТ қўшинлари биринчи навбатда қишлоқларга сарфарб қилинади. Улар Европа ҳамжамияти қўшинларига қараганда кўпроқ ваколатларга эга бўлишади.



BBC

Шрёдер учинчи бор канцлер бўлмоқчи

Германия канцлири Герхард Шрёдер 2006 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда учинчи марта ўз номзодини қўйишини расман маълум қилди.

«Германия учун биз тақдим этган глобал ислохотлар дастури жуда зарур. Биз ушбу дастурни амалга ошириш учун барча қуллиқни ишга солашим», — деди Шрёдер.

Герхард Шрёдер 1998 йилда Гелмут Колнинг 16 йиллик раҳбарлигига чек қўйиб, канцлер лавозимига сайланган эди.

Гезета.ру Хуршид РҮЗИЕВ тайёрлади.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

Давлат қабул комиссияси қарори билан 2003/2004 ўқув йилига тўлов-шартнома асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентларнинг таълим тури, тили ва йўналиши бўйича жавоб варақаларининг рақамларини эълон қилади.

Table with columns for exam type (e.g., 1001-Бинология), subject (e.g., Тўққизинчи синф), score, and other details. It lists results for various subjects and exam types.

Жавоб варақалари қайд этилган абитуриентларни институт қабул комиссиясига мурожаат этиб, шартномаларни расмийлаштиришларини сўраймиз. Шартномаларни расмийлаштиришнинг сўнгги муддати — 2003 йил 15 сентябргача. Қабул комиссияси институтнинг 1-ўқув биносидида жойлашган.

Бизнинг манзил: Бухоро шаҳри, Қ.Муртазов к., 15-уй. Қабул комиссияси телефони рақами: 8-365-22-3-74-36, факс: 8-365-22-3-74-36.

